


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ДПМ харид

комиссиясининг раиси



Н.Б.Назаров

“ 22 ”



2022 й.

Кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Тошкент – 2022 й.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) ҳудудидаги
кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш юзасидан энг
яхши таклифларни танлаш эълон қилади.**

Хизмат номи: Кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш

Танлашни ўтказиш шакли: Электрон шаклда.

Шартноманинг бошланғич баҳоси: 81 160 000 (саксон бир миллион бир юз олтмиш минг) сўм

Танлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил: <https://etender.uzex.uz/>

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қондаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Моддий техник таъминот бўйича етакчи мутахассис - Рафикджанов Мухаммаджон Махмуд ўғли, тел.:71 207-70-81.

Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана: Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар кунни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 160А.

Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўйлаб) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;

- танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- тижорат таклифи
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувоҳнома нусҳаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим);

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.

1.1. Кондиционер тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (кейинги ўринларда кондиционерлар) кондиционерларни иш ҳолатида сақлаш учун режалаштирилган профилактика характеридаги ташкилий-техник тадбирлар мажмуасидир.

1.2. Кондиционерлар ички ва ташқи бирликлардан ташкил топган алоҳида “сплит тизимлар” дир. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларини ҳисоблаш учун кондиционерлар рўйхати иловада (кондиционерлари ҳақида маълумот) келтирилган.

1.3. “Пудратчи” кондиционерларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1.3.1. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари “Пудратчи” томонидан Шартнома амал қилиш муддати давомида камида бир ойда 1 маротаба иловада кўрсатилган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади. Агар кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш вақтида “Пудратчи” техник ҳолати хавфсиз самарали ишлашини таъминлай олмайдиган ва таъмирлашни талаб қиладиган ускунани аниқласа, Пудратчи бундай ускунанинг ҳар бир бирлиги учун Буюртмачи билан биргаликда “Нуқсон далолатномаси”ни тузади. Мазкур далолатнома таъмирлаш учун асос бўлади.

1.3.2. “Нуқсон далолатномаси”да кўрсатилган табиий эскириш туфайли яроқсиз ҳолга келган, асосий қисмлар ва жиҳозлар (фен мотори, компрессор, бошқарув платаси, филтрлар, насос ва б.қ.) томонлар келишувига ҳамда алоҳида шартномага асосан амалга оширилади.

2. Пудратчига қўйиладиган талаблар

2.1. Кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун ташкилотнинг рухсат этиладиган сертификати ва юқори малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги.

2.2. Кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича ўқитилган ва электр хавфсизлиги бўйича малака гуруҳида тегишли лавозимга эга бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак. Юқоридаги тренинглар ва электр хавфсизлиги гуруҳидан ўтишни тасдиқловчи ҳужжатлар иш бошланишидан олдин тақдим этилиши керак.

2.3. “Пудратчи”, ташқи ишларни (кондиционернинг ташқи блокни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, ўрнатиш ва қайта ўрнатиш) амалга ошириш учун авто кўтаргични (автовышка) ўз ҳисобидан амалга ошириш.

2.4. “Пудратчи”, буюртма бўйича ишларни бажариш учун мутахассисларнинг ўз вақтида Буюртмачига юборишни таъминлаш.

2.5. “Пудратчи” ҳар қандай ишларни сифатсиз таъмирлаган бўлса, ушбу ишлар учун зарур бўладиган материаллар ва эҳтиёт қисмларни ўз маблағлари ҳисобидан қайта амалга ошириш.

2.6. Кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш учун замонавий электр ўлчагич асбоблари ва диагностика ускуналаридан фойдаланадиган малакали мутахассислар томонидан амалга ошириш. Барча ўлчаш асбоблари ва асбоб-ускуналар “Пудратчи”нинг мулки бўлиши шарт.

2.7. Зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни иш жараёнида тадбиқ қилиш.

2.8. “Пудратчи” иш вақтини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларини тўлиқ риоя этишни таъминлаш.

2.9. “Пудратчи” ўз ходимларини иш қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари, иш кийимлари, махсус жиҳозлар ва сарфланувчи материаллар билан таъминлаш.

3. Кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари

3.1. Кондиционернинг таркибий қисмлари ва агрегатларини ташқи кўриқдан ўтказиш;

3.2. Жиҳозларнинг ишлашида шовқин, бегона товушлар ва тебранишлар мавжудлигини текшириш ва таъмирлаш.

3.3. Ташқи ва ички блокнинг дренаж тизимини ва филтрларини тозалаш, конденсат йиғиш идишини ва қувурларини тозалаш ҳамда ташқи блокнинг иссиқлик алмашинувчисини (радиатор) ювиш.

3.4. Совутгичнинг техник параметрларини текшириш.

3.5. Ташқи ва ички блоklarнинг эҳтиёт қисмларни алмаштириш.

3.6. Ташқи ва ички қисмларни таъмирлаш.

3.7. Эҳтиёт қисмлар алмаштиришни талаб қилмайдиган ҳар қандай таъмирлаш ишлари.

- 3.8. “Буюртмачи”да мавжуд бўлган эҳтиёт қисмларни алмаштириш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари.
- 3.9. Механик ва электр уланишларни текшириш ва таъмирлаш.
- 3.10. Ускуналар ва қурилмаларнинг электр параметрларини текшириш ва таъмирлаш.
- 3.11. Қувурларни иссиқлик изоляциясини текшириш ва заруриятга кўра алмаштириш.
- 3.12. Иш режимларини текшириш.
- 3.13. Масофадан бошқариш пулти орқали усқунанинг барча режимларда ишлашини текшириш ҳамда таъмирлаш.
- 3.14. Ташқи ва ички блокнинг вентилляторига техник хизмат кўрсатиш.
- 3.15. Ташқи ва ички блокнинг иссиқлик алмашинувчисига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.
- 3.16. Ташқи ва ички блоклардаги бошқарув платасини визуал текшириш.
- 3.17. Қувурларда ва вентелларда фреон газининг сизиб чиқишини текшириш.
- 3.18. Ускуналарда мой сизиб чиқишини текшириш.
- 3.19. Кондиционернинг ташқи ва ички қисмларини маҳкамлаш ишончилигини текшириш;
- 3.20. Компрессорнинг ишга тушиш ва ишчи токини ўлчаш.
- 3.21. Ускуналарда кучланишини ўлчаш.
- 3.22. Фреон босимини текшириш ва кондиционерларга фреон қуйиш (фреон пудратчи ҳисобидан).
- 3.23. Кондиционернинг компрессорида мойини текшириш ва заруриятга кўра мой қуйиш ва алмаштириш;
- 3.24. Кондиционер агрегатларининг механик шикастланишини текшириш ва унинг олдини олиш.
- 3.25. Кондиционернинг ички блокнинг ҳаво тортадиган панжаралари ҳамда ҳаво филтрларини тозалаш, филтрларни алмаштириш.
- 3.26. Пайвадлаш ишларини амалга ошириш (пайвандлаш учун зарур бўладиган сарфланувчи материаллар пудратчи ҳисобидан).
- 3.27. Кондиционерлар ҳамда кондиционерларнинг ички блокни (фен) ўрнатиш ва қайта ўрнатиш.

4. Иш жойи ва вақти

- 4.1. “Буюртмачи”нинг кондиционерларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол 160 А уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази жойлашган биносида амалга оширилади.
- 4.2. Кондиционер тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабрь кунига қадар. Барча кўрсатилган кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳар ойда камида бир мартаба амалга оширилади.
- 4.3. Кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш “Буюртмачи”нинг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача (5/7). Кондиционерлар ишдан чиққан ҳолатларда тизим тўлиқ ишга тушгунга қадар таъмирлаш ишлари олиб борилади. Объектга кириш санаси ва вақти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

4.4. Пудратчининг мутахассислари Буюртмачидан кондиционерларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун хабарнома олинган пайтдан бошлаб куннинг исталган вақтида, шу жумладан дам олиш кунлари, таътил кунлари, байрам кунлари ҳамда куннинг қоронғу пайтларидан қатий назар 2 (икки) соатдан кўп бўлмаган вақтда, ишлаб чиқариш ва серверлар хонасидаги кондиционерлар ишдан чиққан ҳолда эса 1 (бир) соат ичида етиб келишлари ва ишга туширишлари шарт.

5. Бошқа шартлар

5.1. Иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронғу вақтларида кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш учун “Пудратчи”нинг “Ишонч телефони” мавжудлигини таъминланиши шарт.

5.2. “Пудратчи” ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини ҳамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат кўрсатишини таъминлаши шарт.

5.3. Пудратчининг ишонч телефонлари рўйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакиллариغا етказилиши таъминлаш.

5.4. Кондиционерларда аварияни бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

5.5. Кондиционерларда аварияни бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

5.6. Техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

5.7. Кондиционерларнинг эҳтиёт қисмларини алмаштириш ишлари “Буюртмачи” томонидан эҳтиёт қисмлар етказиб берилгандан сўнг “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ўртасида кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун тузилган шартномаси доирасида алмаштириш ва созлаш ишларини амалга оширади. Агар “Буюртмачи” томонидан берилган эҳтиёт қисмни “Пудратчи” ўрнатиш жараёнида ишдан чиқарса, “Пудратчи” ўз ҳисобидан янгисига алмаштиради.

5.8. Кўрсатилган хизматларнинг натижасини қабул қилиш, кўрсатилган хизматлар учун қабул қилиш далолатномасини имзолаш орқали амалга оширилади. Пудратчи буюртмачига кўрсатилган хизматлар учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатномани ва ҳисоб-фактурани тақдим этади. Агар ускунага техник хизмат кўрсатиш самарали бажарилган бўлса ва Буюртмачида ҳеч қандай шикоят бўлмаса, кўрсатилган хизматларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланади.

Илова

Ўрнатилган қурилмалар сони ва турлари

Чиллер (CIAT) в количестве 1 шт.

Хладагент: R410A

Количество холодильных контуров: 2

Холодопроизводительность: 130 кВт

Жидкость: Антифриз
Температура на входе/выходе: 12.0 °C/ 7.0 °C
Расход: 21.9 м3/ч
Частота вращения вентилятора: 900 об/мин.
Расход воздуха: 44000 м3/ч
Количество вентиляторов: 2
Мощность одного электродвигателя: 1.70 кВт
Электрическая мощность: 55.9 кВт
Электропитание: 400 В / 3 фазы 50 Гц
Максимальный потребляемый ток: 117.8 А
Пусковой ток: 276 А

Прецизионный кондиционер (CIAT) - 3 комплект.

Автоматический агрегат с конденсатором для точного кондиционирования воздуха в количестве 3 комплектов (холодопроизводительность: один 40 кВт и два по 20 кВт).

Секция охлаждения
Расход воздуха: 10 000 м3/ч
Температура в помещении: 16-22 °C
Располагаемое давление: 10 Па
КОНДЕНСАТОРНЫЙ АГРЕГАТ CL 75V
Электрическая мощность агрегата: 6,04 кВт
Потребляемый агрегатом ток: 15,7 А
Хладагент: R410A

Воздухообрабатывающий агрегат (CIAT) - 10 шт.

V3000 E3003 H 3-х поз. регул.: только охлаждение, 4-х ходовой клапан, включая настенный пульт управления с дисплеем
Воздушный клапан защиты замораживания с электроприводом, управляется 2-х позиционным сервоприводом 230V

Канальный кондиционер:

60 BTU– 1 шт. (хладагент: R410A)

Колонный кондиционер:

24 BTU - 1шт. (хладагент: R410A)

Кондиционер:

12 BTU - 4 шт. (хладагент: R410A)

18 BTU - 3 шт. (хладагент: R410A)

Илова: ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

Мазкур шартнома лойиҳаси дастлабки ҳисобланиб, унинг шартлари томонларнинг қарорига кўра қонунда белгиланган қоидаларга зид бўлмаган ҳолда ўзгартириши мумкин.

Шартнома № _____

2022 йил _____

Тошкент шаҳри

“_____” (келгусида “Бажарувчи”) _____ асосида фаолият юритувчи директор _____ бир тарафдан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази номидан директор _____ (келгусида “Буюртмачи”) Низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи” ҳудудидаги кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (техник топшириққа мувофиқ) бўйича тузилди.

2. ШАРТНОМАНИНГ СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” ҳудудидаги кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (техник топшириққа мувофиқ) бўйича шартнома баҳоси ҚҚС билан _____ сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида шартнома умумий баҳосининг 30 % миқдори олдиндан, қолган 70 % қисми барча шартлар тўлиқ бажарилгандан сўнг далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида ҳисоб фактурага асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

3.1. Кондиционер тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабрь кунига қадар. Барча кўрсатилган кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳар ойда камида бир мартаба амалга оширилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. “Бажарувчи” хизматни ўз вақтида кўрсатмаган ҳолда “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома умумий баҳосининг 0,5 % миқдорида пеня солинади, аммо ушбу жарима шартнома баҳосининг 50 %дан ошмаслиги керак.

4.2. 2.2-бандда белгиланган мажбуриятларни бузганлик учун ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов пеня миқдори шартнома баҳосининг 50% дан ошмаслиги керак.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонлар хошиш иродасидан ташқари юзага келган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор ҳолатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди. Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу ҳолатларни мавжудлигини ишончли исботи ҳисобланади.

5.2. Форс-мажор юзага келган ҳолатда, шартнома мажбуриятларини бажаришни имкөнсиз деб топган томон, бошқа томонга бу ҳақда форс-мажор ҳолатлари юзага келганидан кейин 10 кундан кечиктирмай ёзма хабар қилиши керак.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ.

6.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ юзага келадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади.

6.2. Томонлар келиша олмаган низолар, келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иктисидиёт судида ҳал қилинади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда бўлади.

7.2. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёки улардан бири шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

7.3. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қазначилиги ёки унинг худудий бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача амал қилади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БАЖАРУВЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”

Харид комиссияси масъул котиби:

БТБ мутахассиси



Д.Э. Хидиров

ДПМ директорининг 2022 йил 14 апрелдаги № 24-ИЧ сонли Буйруғига асосан:

Комиссия раиси ўринбосари:

МИББ бошлиғи



А.А. Акрамов


Комиссия аъзолари:

ПБ бошлиғи



Б.Т. Мухитдинов

АМС ва ПХЖБ бошлиғи



А.А. Мамадалиев

БТБ бошлиғи



Б.Г. Габзалилов